

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ ЁЗГАН МИНЕРАЛОГИЯГА ОИД АСАРЛАРНИНГ ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИ ХУСУСИДА

Бузруков М. (СамДУ мустақил изланувчиси), Ачилов Ф. (СамДУ магистранти)

Мақолада, қомусий аллома Абу Райхон Берунийнинг ижоди минералогиянинг кейинги ривожига катта таъсири. Унинг минералогияга оид асарларининг қўлёзма нусхалари фақат ўзбек халқининг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки эканлиги ҳақида ёритилади.

2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда қадимий диёримиздан етишиб чиққан кўплаб олимлар жаҳон цивилизацияси ривожига муносиб ҳисса қўшганлиги дунё олимлари томонидан яна бир бор эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов анжуманнинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек «ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг қўлёзмалари Европа ва Осиёнинг Буюк Британия, Германия, Испания, Россия, Франция, Миср, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа кўплаб мамлакатларидаги кутубхоналарнинг “олтин фонд”ини ташкил этади. Бу фактлар нимадан далолат беради? Бу, энг аввало, ўрта асрларда яшаб, ижод этган буюк Шарқ аллома ва мутафаккирларининг тенгсиз асарлари ва илмий мероси фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки эканини яна бир бор тасдиқлайди»¹.

Хоразмшоҳ Али ибн Маъмун (998-1009) ва Абулаббос Маъмун ибн Маъмун (1009-1017) саройида, шунингдек, «Маъмун академияси»да етакчи олимлардан бири бўлган қомусий аллома Абу Райхон Беруний (973-1048) томонидан минералогия соҳасига бағишлаб ёзилган асарларнинг қўлёзма нусхалари ҳам дунёдаги йирик кутубхоналарда сақланмоқда.

Абу Райхон Беруний асарларининг жами сони 152 га боради. Шулардан 3 таси минералогияга оид². Саройга яқинлик унга шоҳ хазинасидаги хилма-хил қимматбаҳо тошлар ва металллардан тажриба учун фойдаланиш имконини беради. Натижада у ўзининг солиштирма оғирлик масаласига бағишланган ажойиб асарини ёзади. Абу Райхон Берунийнинг бу рисоласини XII асрда яшаган олим Абдуррахмон ал-Хозиний деярлик тўла равишда ўзининг «Мизон ал-ҳикма» («Ҳикмат тарозиси») номли китобига қўшган. Бу китобнинг арабча матни 1941 йили Покистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида нашр этилган³.

¹ Президент Ислам Каримовнинг «Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи // Зарафшон. 2014 йил 17 май

² Каримов У.И. Абу Райхон Беруний (ҳаёти ва ижоди) // Беруний туғилган кунининг 1000 йиллигига. – Тошкент: Фан, 1973. – Б. 29.

³ Каримов У.И. Абу Райхон Беруний (ҳаёти ва ижоди) // Беруний туғилган кунининг 1000 йиллигига. – Т.: Фан, 1973. – Б. 30.

Турли минераллар солиштирма оғирликларини ниҳоятда аниқлик билан ўлчанганлиги, ҳамда шу ўлчовлардан минералларни аниқлаш ва таснифлаш учун фойдаланилганлиги Абу Райҳон Берунийнинг физика ва минералогия фани олдидаги катта хизматларидан ҳисобланади. Солиштирма оғирликларни ўлчаш учун у ўзи ихтиро қилган махсус асбобдан ва граммнинг юздан олти қисмигача аниқлик билан тортадиган нозик тарозидан фойдаланган. Қатор қаттиқ ва суюқ жисмларнинг Абу Райҳон Беруний топган солиштирма оғирликлари ҳозирги замон фани аниқлаган ўлчовлардан асло фарқ қилмаслиги кишини ҳайратга солади.

Абу Райҳон Беруний ҳаётининг сўнги етти йили ғазнавий Масъуд (1030-1041)нинг ўғли султон Мавдуд (1041-1048) даврига тўғри келади. Бу даврда ҳам олим самарали илмий ишларини тинмай давом еттирди ва бир неча йирик асарларини яратди. Шулардан бири «Китоб ал-жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир» («Жавоҳирларни билиш учун маълумотлар тўрлами») номли китоби бўлиб, унда қимматбаҳо минераллар ва металллар ҳақида фикр юритилади. Шунинг учун ҳам бу асар ҳозир «Минералогия» деб юритилади.

Абу Райҳон Берунийнинг асарини «Минералогия» деб аталиши ҳақида ўз фикрини билдирган О.М. Ақромхўжаев, китобнинг муаллифи ишлатган номини қолдириб, уни сўзма-сўз «Жавоҳирларни билишга оид маълумотлар тўплами» деб таржима қилиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаган⁴. Абу Райҳон Беруний ушбу асарида минералларни системалаштириб, 50 минерални таърифлаган. Минералларнинг физик хусусиятига қараб таснифлаб чиққан. У минералларга органик (жонли) ва сунъий (шиша, эмал, фарфор-чинни) бирикмаларни ҳам киритган.

Дунё бўйича «Китоб ал-жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир» асарининг учта қўлёзмаси маълум. Улардан бири Испаниянинг **Экскурнал** деган кутубхонасида сақланади. XX асрнинг 20-йилларида кайсерлик (Туркия) бир кишининг шахсий кутубхонасидан, орадан кўп ўтмай Истамбулдаги **Сарой** кутубхонасидан асарнинг қўлёзма нусхалари топилган. Уларнинг ичида энг тўлиғи **Сарой** кутубхонасидан топилган нусха ҳисобланади. Шу уч нусха асосида арабшунос олим Ф.Кренков китобнинг танқидий матнини тайёрлаб, 1936 йилда Ҳайдарободда нашр эттирган. У китобни «Минералогия» деб атаган. Бу ном кўпчилик томонидан қабул қилиниб, ҳозир ҳам кенг ишлатилади.

Абу Райҳон Берунийнинг сўнги асари «Китоб ас-сайдана фит-тиб» («Табобатда доришунослик») бўлиб, асосий қисми ўсимлик, ҳайвон ва маъданлардан олинadиган мингдан ортиқ моддаларни таърифлашга бағишланган. Бу асар фарғоналик олим Абу Бакр ибн Усмон ал-Косоний томонидан XIII аср бошларида Ҳиндистонда форс тилига таржима қилинган. Ушбу форсча таржиманинг бир қўлёзмасига бағишланган кичкина мақола Европада 1902 йилда нашр этилган⁵.

⁴ Ақромхўжаев О.М. Беруний – геологик ходисалар, минераллар ва жавоҳирларни ўрганган дастлабки тадқиқотчи // Беруний туғилган кунининг 1000 йиллигига. – Тошкент: Фан, 1973. – Б. 33.

⁵ Beveridge H. An Unknown Work by Albiruni. – London: JRAS, 1902.

«Китоб ас-сайдана фит-тиб» асарининг араб тилидаги ягона қўлёзма нусхаси 1927 йили Туркиянинг Бурса шаҳридаги кутубхонадан топилган. У 133 варақдан иборат бўлиб, ал-Ғазанфар исми билан машхур бўлган Абу Исҳоқ Иброҳим ат-Табририй томонидан 678/1279-1280 йилда қўчирилган. Бу нусха нуқсонли бўлиб, бешта жойида сукути бор, яъни беш жойидан варақлари тушган. Бу сукутларни асарнинг форсча таржимаси матни ёрдамида тўлдириш мумкин⁶.

Абу Райхон Беруний ўзининг «Китоб ас-сайдана фит-тиб» асарига беш бобдан иборат каттагина муқаддима ҳам ёзган. Шарқ табobati тарихидан мутахассис олим Макс Мейерхоф (1874-1945) мазкур муқаддимани немисча таржимаси билан нашр этган⁷.

Абу Райхон Беруний минералларни туркумларга ажратишда уларнинг солиштирма оғирликларини асос қилиб олади, бу юқорида айтганимиздек, олимнинг минералогия фани тарихидаги катта хизматларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари у қимматли тошларни ишлаш ва пардозлаш, уларни рангларини чиройли қилиш усуллари ҳақида ҳам муфасссал маълумот беради. Маъданлар чиқариладиган жойларни ҳам доим кўрсатиб боради, шу муносабат билан у Ўрта Осиёдаги конларга алоҳида эътибор берадики, мутафаккирнинг бу хил маълумотлари бизда кончилик тарихи нуқтаи назаридан ҳам ниҳоятда қимматлидир.

Хулоса қилиб айтганда, қомусий аллома Абу Райхон Берунийнинг ижоди минералогиянинг кейинги ривожига катта таъсир кўрсатди. Унинг минералогияга оид асарларининг қўлёзма нусхалари дунё мамлакатлари кутубхоналарида сақланмоқда. Бу қўлёзмалар фақат ўзбек халқининг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади.

⁶ Каримов У.И. Берунийнинг «Сайдана» номли асари ҳақида // Беруний туғилган кунининг 1000 йиллигига. – Тошкент: Фан, 1973. – Б. 106.

⁷ Meyerhof M. Das Vorwort zur Drogenkunde des Beruni. Quellen und Studien zur Geschichte der Naturwissenschaften und der Medizin, 3. Berlin, 1932. – P. 157-208.